



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi  
O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal  
2023-yil oktyabr soni №10 (48)

Toshkent-2023

# **O'ZBEKISTON MILLIY AXBOROT AGENTLIGI – O'ZA ILM-FAN BO'LIMI (ELEKTRON JURNAL)**

**Ilmiy nashr  
2023-yil oktyabr oyi soni №10 (48)**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2019-yil 28-martdagi 263/7.1 va 263/7.4-son qaroriga binoan tashkil etilgan.

Elektron jurnalga kelgan maqolalarga javob qaytarilmaydi, jurnalda e'lon qilingan maqolalardan olingan parchalar O'ZA Ilm-fan bo'limi (elektron jurnal)dan olindi, deb ko'rsatilishi shart.

Elektron jurnalga bir yarim oraliqdagi materiallar "Microcoft Word" redaktori, "Times New Roman" shriftida elektron versiya shaklida qabul qilinadi.

## **Tahrir kengashi**

A.Ko'chimov  
A.Asqarov  
D.Yu.Yusupova  
A.X.Saidov  
T.O'.Aripova  
Q.R.Allaev  
S.M.Turobjonov  
Sh.T.Qudratxo'ja  
N.A.Husanov  
N.K.Achilov

Q.Sh.Omonov  
A.S.Sagdullaev  
S.S.G'ulomov  
F.G.Nazirov  
R.D.Kurbanov  
M.H.Rustamboev  
N.M.Mahmudov  
I.S.Saifnazarov  
N.X.Oblomurodov  
G.A.Mardonova

## *Falsafa*

<b>G.NOSIRXODJAEVA.</b> Abu Rayhon Beruniy ijodida fan tarixini tadqiq etishning uslubiy muammolari .....	213
<b>J.A.JABBOROV.</b> Zamonaviy jamiyat tendensiyalarining manaviy ehtiyojlar rivojlanishiga tasiri.....	219
<b>F.Sh.ABDULLAEVA.</b> Nasiriddin Tusiyning ilmiy merosida adolat mezoni .....	225
<b>J.EGAMBERDIYEV.</b> Milliy mustaqillikni asrash g‘oyalarining ijtimoiy-tarixiy genezisi .....	230
<b>I.ORZIEV.</b> Globallashuv sharoitida desekulyarizatsiya va resekulyarizatsiya tendensiyalarining rivojlanishi.....	237

## *Texnika*

<b>M.X.XUDAYBERDIEV, I.V.XAN, B.S.AChILOV.</b> Цифровое фрактальное моделирование геометрических объектов сложной конфигурации.....	243
<b>Q.R.ZOHIROV, Q.G.MADATOV, J.I.KOZIMOV.</b> Insonning kinematik va dinamik harakatini rehabilitasiya qilish .....	249
<b>Sh.S.TO‘XTAEV, X.N.ShARIPOV, Y.Q.MAXMUDOVA.</b> Paxta g‘aramini mexanik buzish mashinasining takomillashgan g‘arambuzgich chambaragi.....	256

## НАСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА АДОЛАТ МЕЗОНИ

Фируза Шариповна АБДУЛЛАЕВА

Катта ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

### Аннотация

Ушбу мақолада XIII асрда яшаб ўтган буюк қомусий олим Насириддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий” асарида файласуфнинг жамиятда адолат ўрнатиш тўғрисидаги фалсафий қарашлари баён этилган бўлиб, унда инсонлар ўртасида ўзаро тенглик ҳамда уйғунлик, ҳар бир инсонга унинг лаёқатига қараб лавозим берилиши каби масалалар хақида тўхталиб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** Насириддин Тусий, фалсафий қарашлар, адолат.

## КРИТЕРИЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ В НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ НАСИРИДДИНА ТУСИ

Фируза Шариповна АБДУЛЛАЕВА

Старший преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

### Аннотация

В этой статье на примере произведения “Ахлоқи Носири” известного учёного-энциклопедиста Насириддина Туси, жившего в XIII веке, рассматриваются философские взгляды на установление справедливости в обществе. Внимание акцентируется на таких вопросах, как взаимное равенство и гармония между людьми, назначение должность каждого человека в зависимости от его способностей.

**Ключевые слова:** Насириддин Туси, философские взгляды, справедливость.

Маълумки, адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. XIII асрда яшаб, ижод этган буюк файласуф ва қомусий олим Насириддин Тусийнинг илмий меросида нафақат ахлоқ масаласи, балки адолат мавзууси ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Аллома ижтимоий адолатни давлат билан боғлаб, давлат тизимишининг мустаҳкамлиги, унинг муваффақиятли ривожланиши, чидамлилиги ва ишончлилиги ижтимоий адолат ўрнатиш орқали эришилишини таъкидлар экан, адолатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилмачил муносабатларидаги ўзаро тенглик эканлигини назарда тутади. Ҳар бир давлат ўз фаолиятида фуқаролар томонидан адолат қоидалари ва қонунларга амал қилинишини назорат этади, жамият аъзоларининг мол-мулки дахлсизлиги ва қонун олдида тенглигини

таъминлайди [6; 10].

Элхоний ҳукмдорларида Ҳулагу хон ва Абага хоннинг ҳукмронлиги йилларида давлатнинг бош вазири вазифасини бажарган етук Шарқ мутафаккири Насириддин Тусий ўзининг “Ахлоқи Носирий”, “Дар Молиён” (“Молия ҳақида”) деб номланган асарларида сиёsat, ҳуқуқ, давлатнинг бошқарилиши масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган эди. У ўз даврининг етук олимни сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳодисаларини яқиндан кузатиб, жамият билан инсон ва инсон билан жамият ўртасида кечган курашни вададда (бирликда) деб шарҳлади. Олимнинг “адолат” ҳақидаги фалсафий қарашлари фақатгина ахлоқий кайфият эмас, айни вақтда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тушунчадир, инсоннинг менлигининг, унинг саодатининг, маънавий ва сиёсий эркинликларининг, тенгликнинг ва биродарликнинг асосидир” [6;10]. Мутафаккир адолатнинг асосини инсон табиатида кўрар эди. Аллома бутун умри давомида ўзини ўйлантирган бу мураккаб саволларга жавоб бериб ёзадики, “адолат” сўзининг маъноси ўз манбаи эътибори билан “тенглик” ва “мувозанат” сўзи билан боғлиқдир.

Насириддин Тусий энг юксак адолат сифатида илоҳий адолатни қабул қилган. Инсонга адолат рухини Аллоҳ беради. Бу адолат буюк яратганинг вужудидаги вакилидир. “Буюк яратганинг инсон зотида вакили бўлган адолат кучи ҳукмрон мавқеига ўтиб, мувозанат ва тенглик яратишда ҳар бири ўз ҳаққига эришади, кўплик натижасида амалга келган тартибсизлик йўқолади. Илоҳий адолат тушунчасини шарҳлаган олим ёзадики, “адолат талаб қиласиди, банди имконияти ичида, ўзи ибодатгоҳи орасида бўлган ишларнинг кўпчилигига риоя қилсин. Шундай қилиб, бандалик шартларини ўрнига келтирисин. Бу шуни талаб қиласиди, ҳар бир инсон Аллоҳ томонидан унга юборилган адолатдан, унга химояланган барча кишиларга татбиқ этиш учун, ўз адолати ҳисларидан, туйгуларидан, фаолиятидан ўз имконлари ва бажара олиши доирасида фойдалансин. Инсоннинг кучи, руҳи инсонга хос бўлган уйғоқлик билан боғлиқдир. Уйғоқ инсон адолатнинг амалларини фақатгина алоҳида-алоҳида кишиларга эмас, барча жамият аъзоларига ёймоғи лозим” [1;242]. Файласуфнинг фикрича, “давлат фақатгина адолат асосида узоқ муддат яшай бошлайди” демак, давлатнинг асоси адолатдир. Мутафаккир давлатнинг ичида олиб борилган барча тадбирларнинг адолат заминида қурилиши учун давлат назоратининг мажбурлигини назарда тутади. Фикримизча, адолат муаммосининг тадқиқ этилишида файласуфнинг энг диққатга сазовор хизмати адолатнинг уч муҳим шартини аниқлашидир. Бу шартларга қўйидагилар киради:

1. Адолатнинг биринчи шарти шуки, халқнинг турли табақалари орасида уйғунлик яратилсин.

2. Адолатнинг иккинчи шарти шундан иборатки, “шаҳар аҳолисининг вазиятига ва табиатига диққат берилсин. Ҳар бир инсонни унинг лаёқати ва истеъодига кўра лавозимга тайинлансан.

3. Адолатнинг учинчи шарти шуки, инсонларнинг ҳар бирининг ўз ҳиссасига тегишлисини ўзига беришга саъй-ҳаракат қўрсатилиши, бу ерда ҳаққа ва хизматга эътибор берилиши лозимлиги таъкидланади. Бу ҳақда мутафаккир шундай дейди: “Дунёнинг ободлиги маданий адолатнинг, харобазорлиги эса маданиятсизликнинг маҳсулидир ” [1;249]. Алломанинг фикрича, адолат ўлкаси кишиларнинг шундай бир хусусий бирлашмасиши, унда умр кечирган инсонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари фақатгина хайрли ишларни кўришга, мавжуд бўлган барча шарр (ёмон) ишларни ва амалларни бартараф этишга йўналтирилади. Бу ерда кишиларни раъй бирлиги ва меҳнат шериклиги бирлаштиради. ”Асл саодатга фақатгина ишлаш ва меҳнат қилиш орқали

эришилади.” Мазкур адолат мамлакатида жами бешта табақа мавжуд ва бу табақаларнинг ҳар бирининг шаклланиши ва вазифаси, жамият олдидаги масъулияти олим томонидан аниқлаштирилган. Жумладан:

Биринчи табақага файласуф уйғоқ кишиларини, файласуфларни киритади ва уларни шаҳарнинг тадбир аҳли деб номлайди.

Иккинчи табақага киравчилар жамият учун муҳим касб этган –инсонларнинг тарбияси, таҳсили, комилликка эришиши билан боғлиқ бўлган олимлардир. Буларга фиқҳшунослар, тилшунослар, нотиқлик санъати эгалари, шоирлар, котиблар, услубиётчилар кирган.

Жамиятнинг учинчи табақасига киритилганлар асосан ”шаҳар аҳолиси орасида адолат қонунларини химоялаб сақланишини назорат қилувчилар, олиш-беришда камлик ёки кўпликка йўл қўймайдиганлар, тенглик, бир-бириларини рози қилишларини татбиқ этувчилардан иборат бўлишган. Олим бу табақага ҳисоб ва геометрия (ҳандаса) илмини билганларни, ҳакимларни, мунажжимларни киритади.

Тўртинчи табақага киритилганларни аллома мужоҳид (интилевчи)лар деб атайди. Бу табақага мансуб кишиларнинг вазифаси шаҳар аҳолисини, уларнинг мол-мулкини муҳофаза қилиш бўлган. Файласуф буларга “шаҳардаги қўли эгри, ўғрилик қиласиган умуман ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини оладиган, тинчлик ва осойишталик яратишда шижаот ва мардликни намоён қиласиган инсонларни киритган.

Бешинчи табақага молиячилар мансуб бўлган. Булар барча шаҳар аҳолисини ризқ билан таъминлайди, тижорат ишларини, хунар ва санъат билан машғул бўлган кишиларни тартибга солади ва айни пайтда мамлакатда молия ишларида кирим ва чиқимни назорат қиласи” [1;249].

Насириддин Тусийнинг жамият ҳақидаги таълимотида ҳам адолат ғоясига катта эътибор қаратилган. Хусусан, у шундай деб таъкидлайди: “агар одамлар иттифоқи адолат асосда яратилса, унда давлат адолатли, акс ҳолда (яъни ноҳақ яратилса) бундай давлат адолатсиздир” [3;227].

Мутафаккир давлат сиёсатида адолат тамойилининг эълон қилинишини ўзи ҳал қила олмасада, унинг бажарилишини, ҳуқуқий кафолатлашни яхши билган. Бунинг учун, биринчи навбатда, у иқтисодий муносабатлар соҳасида адолатлилик тамойилига риоя қилиш кераклигини уқтириб, энг аввало инсонлар ўз қобилиятларига, меҳнат қилинда сарфлаган кучига қараб ҳақ олишлари зарур деб ҳисоблайди, яъни, адолатли иш ҳақи олишни назарда тутади.

Бу ҳақда у шундай дейди: “Жамиятда ҳар бир кишининг ўз улуши бор. Бу улушларни кўпайтириш ёки камайтириш охир-оқибат қулликка олиб келиши мумкин. Одамларнинг даромадларини сақлаб қолиш, ҳар кимга керакли микдорни беришга интилиш керак. Ноҳақ тақсимлашда иқтисодий манфаатлар, бошқача қилиб айтганда, агар жамиятда адолат тамойили бузилган бўлса, бундай жамиятда, одамлар ва бу жамият ўртасида ҳеч қандай яхши, қардош муносабатлар бўлмайди ва бундай муносабатлар узоқ давом эта олмайди” [3;283]. “Меҳнат ва унга муносиб маош ўртасида адолат тикланмагунча, – деб ёзади аллома, – меҳнаткашлар ва амалдорлар ўртасида нормал муносабатлар вужудга келмайди” [3; 165].

Файласуф тенглик тушунчасини ҳуқуқ ва сиёсат соҳалари билан ҳам боғлаб янада кенгроқ маънода қўллашни тўғри деб билган. У “адолат”, “тенглик” тушунчаларини кўриб чиқишида асосан иқтисодий фанларга таянади ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси албатта иқтисодий билимлардан хабардор бўлиши керак, деб ҳисоблайди [2; 75-76].

Ўрта аср феодал тузумида яшаган Насириддин Тусийнинг инсонларга меҳнатига яраша адолатли иш ҳақи олиши керак деган ғоясини прогрессив ғоя деса бўлади. Чунки бугунги кунда ҳам ривожланган давлатларда бундай ижтимоий адолат масаласи давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг марказида туриши барчамизга маълум.

Мутафаккир ҳар қандай, ҳатто нолойиқ воситалар билан ҳам бойлик орттиришга муваффақ бўлган одамларни кескин танқид остига олган эди. Асоссиз бойлик орттирадиган кишиларни кескин танқид қилган ҳолда Тусий шундай ёзади: “Ўз меҳнати билан пул топмаётган кишилар ёмон одамлар, фиригарлар, маккор ва порахўрдирлар. Бундай кишилар ҳаттоки мансабга эга бўлиш учун ҳар қандай совғалар беришга тайёрдирлар. Бундай нопок кишилар осон йўллар билан бойлик ва пул орттириб, ёвузлик ташувчилардир” [4; 94-95]. Файласуф ҳокимиятдагиларнинг фойда олишга, бойлик тўплашга, ундан ҳам кўпроқ ҳокимиятга интилиши давлатнинг парчаланиши ва унинг таназзулга юз тутишининг сабабларидан бири, деб ҳисоблаган [3; 278-279]. Тўғри ва ҳалоллик билан қилинган меҳнат адолатнинг асосидир, деб уқтиради аллома [3;143].

Давлат бошқарувида адолат тамойилларига риоя қилиш зарурлиги ҳақидаги ўз фикрларини давом эттириб, Насириддин Тусий шундай деб ёзган эди: “Давлатнинг узоқ умр кўриши унинг пойдевори қанчалик адолатли бўлишига боғлиқдир”. Давлат бошқарувида адолатлилик ҳукм суриши учун мутафаккир қўйдагиларни таклиф этади:

1. Жамиятда яшовчи инсонларнинг турли тоифалари ва қатламлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлаш.

2. Инсонларга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш.

3. Жамиятдаги умумий мулкни ҳимоя қилишга интилиш ва ҳар бир кишига унинг эҳтиёжлари ва хизматларини ҳисобга олган ҳолда қонуний улушини бериш [4; 279-280].

Аммо жамиятда шундай одамлар учрайдики, бу одамларнинг табиати илохий табиатнинг акси бўлиб, булар доим қаршилик қилиш орқали ўзларини намоён этадилар деб, айтади файласуф. Мутафаккир бу тоифа одамларни ислоҳ қилиш, уларни танбех ва жазо бериш билан тарбиялаш керак дейди [4;226].

Аллома давлатдаги тартибсизлик ва тинчлик бузилишининг асосий сабаби, давлат олиб борадиган адолатсиз сиёсатда деб таъкидлайди. Бу ҳақда у шундай ёзади: “Адолатсиз давлат сиёсати, адолатсиз ҳукмдорлар жиддий жиноятларга сабаб бўлади. Адолат бўлмаган жойда нотинчлик, тўполон ва тартибсизлик бўлади” [4;239].

Файласуф жамиятда адолат тамойили бузилса, бу энг аввало қуи табақага таъсир қилишини кўра билган. Тусийнинг фикрича, қуи табақа доимо юқори табақадан моддий ва маънавий ёрдам кутиши туфайли давлат қўрсатаётган ёрдам ўз манзилига етиб бориши муҳим деб ҳисоблаган. Агар, деб таъкидлайди мутафаккир, бундай ёрдам ўз манзилига етиб бормаса, қуи табақа норозилигини келтириб чиқаради. Тусий бундай ҳолат адолат тамойилининг бузилишига олиб келади деб, таъкидлайди. Умуман, жамиятда адолат тамойилининг бузилишига олиб келувчи бир қатор ўзаро низолар ҳам сабаб бўлишини кўрсатиб, Тусий уларни қуидагича санаб ўтади:

- ҳокимият масаласида тортишув;
- вазифа масаласида тортишув;
- мол-дунё масаласида тортишув;
- номус масаласида тортишув;
- ақида (қоидалар) масаласида тортишув [4;241].

Адолат инсонлар жамиятининг азалий ва абадий идеал қиймати сифатида қолмоқда. Адолат кўп билан кам ўртасидаги бир муҳитдир. Файласуф жамиятни қонунлар асосида

бошқариш ва қонунлар орқали назорат қилишни қўйидаги институтлар ёрдамида амалга оширишни таклиф этади:

- 1) қонун ижодкорлари – ислом фикҳшунослари, нотиқлар ва ҳаттотлар;
- 2) жамиятда қонун устуворлиги ва тенгликни назорат қилувчилар;
- 3) давлатни ҳимоя қилувчилар;
- 4) давлат мавжудлиги ҳақида қайғуродиганлар [4; 227].

Насириддин Тусийнинг фалсафий қарашларида адолат мезони ҳақида хулоса киладиган бўлсак, барча нарсадан аввал шуни айтиш лозимки, “адолат” ва “тенглик”нинг турли пайдо бўлиш шакллари бордир. Масалан, мусиқада нисбатлар баробар бўлмаганда, фасилалардан фойдаланиб тенглик яратишади, агар бунга риоя қилинмаса, ҳамоҳанглик бузилади, меъёрлар тўғри келмайди. Барча тартиб-интизомли нарсаларда ҳам шундайдир, ҳар бир жойда адолат ўзининг хусусий бир шаклини намоён этади, акс ҳолда тартибсизлик ва бузилиш рўй беради.

Файласуф илмий меросидаги адолат масалалари нафақат ўша давр учун балки, бугунги кун учун ҳам долзарб эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, бугун янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам инсонларнинг тинч-тотув яшashi, кадрларни жой-жойига қўйиш, ахоли бандлигини таъминлаш мақсадида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш. Бу каби амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ağababa Rzayev Nəsirəddin Tusi Həyatı, Elmi, Dünya Görüşü. – Bakı, 2015.
2. Диноршоев А.М. Конституционные основы регламентации и реализации прав и свобод человека и гражданина в Республике Таджикистан. – Москва, 2015. – 535 с.
3. Рамиз Дениз. Насирэддин Туси – ученый, опередивший века. – Москва: “ММ-С”, 2013. – 404 с.
4. Xacə Nəsirəddin Tusi. Rəhim Sultanovun farscadan tərcüməsi. Əxlaqi-Nasiri. – Bakı: Lider nəşriyyat, 2005.
5. Xo’ja Nosiriddin Tusiy Tuzuvchi: G.Izbullayeva Axloqi Nosiriy . – Buxoro: Durdona, 2022.

